



ТУГИЗОВ ШАРОФ МАВЛОНОВИЧ

биология фанлари доктори, Калифорния университети профессори, Нью-Йорк фанлар академияси, Америка ҳужайра биологияси, Америка микробиологлар ҳамда ҳалқаро ОИТС(СПИД) жасамиятларининг аъзоси.

Илмий қизиқишилари: вирусология, молекуляр биология, эпителяр биология, ген инженерлиги.

1959 йил 25 марта Самарқанд вилоят Ургут туманига қарашли Санчиқул қишлоғида таваллуд топган. 1966 йилда Ургут туманидаги 61-сон мақтабнинг 1-синфига ўқишга бориб, 1976 йилда мазкур мактабни тугатган.

Ш.М.Тугизов 1976 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ветеринария факультетига 1-курсга ўқишга қабул қилиниб, 1981 йилда мазкур факультетни ветеринария мутахассислиги бўйича тугатди. Илмий-тадқиқот ишларига қизиқсанлиги учун Ўзбекистон ветеринария илмий – тадқиқот институтига ишга юборилди. Орадан кўп вақт ўтмасдан СССР Бутуиттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг экспериментал ветеринария институтига мақсадли асритантурага қабул қилинди. 1986 йилда вирусология ихтисослиги бўйича биология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун “Вирусологик тадқиқотлар учун қора моллар ва чўчқаларнинг мутантли ва гибриидли ҳужайралари” (Мутантные и гиридные клетки крупного рогатого скота и свиньи для вирусологических исследований) проф. Л.П.Дьяконов илмий раҳбарлигига диссертацияни мувоффақиятли ҳимоя қилди. Тугизов Ш.М. томонидан олинган генетик мутант ҳужайра линиялари бугунги кунда ҳам ген инженерлиги ва биотехнология соҳаларида ишлатилиб келинмоқда.

1985-88 йиллар давомида СССР Тиббиёт фанлар академияси Д.И.Ивановский номидаги вирусология илмий-тадқиқот институтининг вируслар физиологияси бўлимида кичик илмий ҳодим, 1988-1991 йиллар давомида мазкур институтнинг молекуляр биология бўлимида катта илмий ҳодим лавозимларида ишлади. 1991 йилдан бошлаб унинг илмий-педагогик фаолияти АҚШнинг Калифорния университети билан боғлиқ. 1991 йилда Калифорния Университетига таклиф этилган олим, 1991-1999 йилларда вирусология ва молекуляр биология соҳасида тадқиқотчи сифатида фаолият кўрсатди. 1999-2005 йиллар давомида Калифорния Университети (Сан Франиско) тиббиёт факультетининг тиббиёт кафедрасида Assistant Professor, 2005-2011 йиллар давомида Associate Professor (docent) лавозимида ишлаган. 2011 йилдан ҳозирги кунга қадар эса профессор лавозимида ишламоқда. Кўплаб нуфузли АҚШ ва ҳалқар грантларнинг соҳиби.

Илмий-тадқиқотларнинг самараси унинг докторлик диссертацияси асосини ташкил этди. 1996 йилда проф.А.А.Куш (Вирусология институти, Россия медицина фанлар академияси) ва проф. Л. Перейралар (Калифорния

университети, медицина факультети) илмий маслаҳатчилигига биология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун “Генетик трансформирланган хужайраларидаги вируслари мембраналари оқсилларининг структур-функционал таҳлили” (Структурно-функциональный анализ мембранных белков вирусов в генетически трансформированных клетках) мавзудаги диссертацияни мувоффақиятли ҳимоя қилди. Тугизов Ш.М. ўзининг докторлик ишида гепатит В вируси ва цитомегаловирус мембранаси оқсилларининг янги функцияларини кўрсатиб берди. Натижада вирус генларининг функцияларини ўрганишда генетик трансформланган хужайралардан фойдаланишнинг янги йўналишларини очиб берди.

Тугизов Ш.М.нинг сермаҳсул илмий фаолияти натижалари унинг ҳалқаро нуфузли илмий журналларда чоп эттирилган 200 дан ортиқ илмий мақолалар, илмий шарҳларда ўз аксини топган. Улардан энг нуфузли илмий салмоқга эга бўлгани 2003 йилда Nature (Medicine) журналида “Epstein-Barr virus infection of polarized tongue and nasopharyngeal epithelial cells” (Кўтблашган тил ва оғиз бўшлиғи эпителиал хужайраларининг Эпштейн-Барр вирусли инфекцияси) номи билан чоп этилган мақола бўлиб, унда вирусология, молекуляр биология фанлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Эпштейн-Барр вирусининг организмга ҳалқумнинг шиллиқ қавати орқали кириш механизми биринчи марта очиб берган бўлиб, ўта ҳавфли юқимли касалликлар профилактикаси ва даволаш тадбирларини ишлаб чиқиша амалий аҳамият касб этишидир.

Вирусология, молекуляр биология, ген инженерлиги соҳаларида ўтказлган 100 га яқин ҳалқаро симпозиум ва илмий анжуманларда маърӯзалар билан чиқишилар қилган ва уларнинг кўпчилиги илмий мунозаралар ва қизиқишиларга сабаб бўлган. Тугизов Ш.М. дунёнинг кўплаб нуфузли университетларига, жумладан, АҚШларининг Ҳарвард ва Станфорд, Англияning Кембрдж ва Оксфорд, Италияning Павия университетларига ва Францияning Пастер институтига маърӯзалар ўқиш ва семинарлар ўтказиш учун мунтазам таклиф этилади.

Вируслар гликопротеинлари (The viral glycoproteins. Monograph, Published by University of California, San Francisco, 1996) монографиясининг муаллифи ва Ҳайвонлар хужайралари биологияси (Biology of animal cells. Textbook Published by Russian Academy of Agricultural Science, Moscow, 2000) монографиясининг ҳаммуаллифи.

Тугизов М.Ш. илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда ҳам самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга келиб унинг илмий раҳбарлигига 12 та фан докторлари (Doctor of philosophy, PhD) ва 17 та магистрлик диссертациялари тайёрланган ва ҳимоя қилинган.

Илмий ишларга баҳо беришдаги фаолияти ҳам салмоқли бўлиб, 150 дан ортиқ илмий мақолалар ва 50 дан ортиқ диссертациялар авторефератларига тақризлар ёзган. Шу билан бир қаторда 30 га яқин диссертацияга расмий оппонентлик қилган.

Тугизов Ш.М.нинг молекуляр биология ва вирусология борасида олиб борган самарали илмий изланишлари ҳалқаро илмий жамоатчилик

томонидан эътироф этилган ва буганги қунда у Америка ҳужайра билогияси, Америка микробиологлар, ҳалқаро ОИТС(СПИД) жамиятларининг ҳамда Нью-Йорк фанлар академиясининг аъзолигига сайланган. *Virology & Mycology*, *Translational Medicine* ва *World Journal of Virology* каби ҳалқаро журналлар таҳрир ҳайатларининг аъзоси.

Кейинги йилларда проф. Тугизов Ш. М.нинг лабораторияси вирусларнинг бир-бири билан синрегестик алоқалари устида иш олиб бормоқда ва жуда муҳим илмий натижалар олинмоқда. Жумладан, ОИТС вируси томонидан бўлган эпитетиал туқимадаги молекуляр ўзгаришлар рак чақирадиган папиллома вирусининг тез тарқалишига сабаб бўлиши аниқланган. Яна бир янги илмий йўналиш - вирусларни ҳужайра ичидаги эндосомаларда дефенсин деб аталадиган пептидлар ёрдамида нобуд қилишdir. Даслабки натижаларнинг кўрсатишича бу пептидлар вирусни эндосомаларда нобуд қилиб, инфекцияни олдини олади. Ушбу натижалар ҳалқаро конференцияларда проф. Тугизов Ш.М. томонидан маърӯза қилинди (2012, Cape Town, South Africa; 2012, Bandung, Indonesia; 2013, London, England; 2014 Melbourne, Australia; 2015, 2016, 2017 USA; 2017, Paris, France) ва вирусолологлар орасида катта қизиқиш уйготди.

Тугизов Ш. М. ўз она юрти Ўзбекистон билан доимо илмий алоқада. У Ўзбекистонда вирусология ва юқумли касалликлар бўйича маърӯза ва илмий семинарлар ўтказиб келаяпти. ОИТС, туберкулёз, парранда гриппи (*avian influenza*), вируслар чақирадиган пневмония (*atypical pneumonia*) ва бошқа юқумли касалликлари бўйича кўплаб илмий шарҳлар ва тавсияномалар ёзиб Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиб келаяпти. Ўзбекистонда биотехнология ва ген инженерлиги марказини ташкил қилиш ҳақида илмий лойиха яратган ва бу лойиха Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида биотехнология ва ген инженерлигини ривожлантиришда дастурил амал сифатида ишлатилмоқда.

Оилалик, турмуш ўртоғи Екатерина Маиджи АҚШ Калифорния университетининг тадқиқотчиси, қизи – Тугизова Мадина Шарофовна шифокор, Станфорд университетини тутгатган.